

**СТРЕСС.....ПЕДАГОГЛАР НИГОХИДА**

**Хасанова Нигора Салимовна**

*Бухоро вилояти Олот туман 24- мактаб психологи*

**Аннотация:** Инсонларда стресснинг шаклланиши ва стресснинг салбий хамда ижобий томонлари.

**Калит сўзлар:** ҳавотирланиш реакцияси, ижтимоий стресс, касбий стресс, дистресс, эустресс, психологик ва эмоционал стресс.

Бугунги шиддат билан ривожланаётган замонда яшар эканмиз, маълумотлар оқими, фан-техниканинг ривожланиши инсон руҳиятига таъсир этмай колмайди. Олимларнинг аниклашича, хозирги чакалоклар 100 йил олдинги чакалокларга караганда анча аклии ва кобилиятли экан. Аммо бугунги замонамиз инсонларида турли муаммолар туфайли стрессга тушиб даражаси 100 йил илгари яшаган инсонларга караганда шиддатлироқ экан. Хуш, спресс узи нима? Бугунги кунда уни инсонлар кандай кабул килишади? Стресс яхшими ёки ёмонми?

«Стресс» сўзи инглизчадан таржима қилинганда босим, юқ, таранглик, зўриқиши деган маъноларни англатади. Бу организмнинг жисмоний, психологик таъсирга ноанъанавий акс жавоби бўлиб, ўз-ўзини бошқариши ва асаб тизимининг бузилиши билан характерланади. Мазкур тушунчанинг илмий номланишини 1936 йилда канадалик физиолог Ганс Селье томонидан киритилган бўлиб, бу олим томонидан стресснинг умумий концепцияси – организмнинг экстремал омилларга қарши мослашув реакцияси эканлиги талқин қилинган. Бу концепциянинг ва “стресс” тушунчасининг жуда машҳурлигининг сабаби кундалик ҳаётнинг кўпгина ходисаларини осон тушунтира олишидадир: инсоннинг дуч келинадиган қийинчиликларга, низоли вазиятларга, тасодифларга реакцилардир.

Ҳар қандай стресснинг 3 босқичи мавжуд:

1) ҳавотирланиш реакцияси – организмнинг ҳимоя кучлари ва заҳираларини зудлик билан тайёргарлик ҳолатига келтирилиш;

2) қаршилик фазаси – бунда организм стресс юзага келтирган таъсирларга қарши қурашади;

3) кучизланиш фазаси, агар қурашиш жуда шиддатли ва узоқ давомли бўлса, организмнинг мослашув имкониятларини пасайтиради. Тасаввур килинг, ушбу вазиятни аттестациядан утаётган уқитувчининг сухбат жараёни мисолида куриб чикамиз.

1- босқичда уқитувчи ҳавотирланади ва унга кандай саволлар берилishi мумкинлиги хакида уйлайди.

2- босқичда уқитувчи олдиндан бериладиган саволларга хаёлан тайёрланади, узида куч йигади.

З-боскичда уқитувчи агар бериладиган саволларга тугри жавоб бермаса ва узига ишонмаса организмда кучсизланиш жараёни бошланади .

Стресс ҳолати маълум биохимик реакцияни юзага келтиради, унда қонга адреналин чиқарилади. Буни физиологик маъноси – душман билан курашиш ёки ундан қочиш учун организмнинг бор кучини тўплаш, мобилизация қилишдан иборат. Лекин замонавий одам ўз муаммоларини доим ҳам жисмоний куч ёки қочиш орқали ҳал қилмайди, шу сабабли бизнинг организмимиизда ишлатилмай қолиб кетган гормонлар сайд қилиб юради ва организмимиизни қўзгатиб, асабларимизнинг тинчланишига йўл қўймайди. Шу билан бирга стресс ҳолати турли хил органик бузилишларга олиб келиши билан хавфли – юрак-қон-томир, аллергик, иммунитет билан боғлиқ ва бошқа касалликларга сабаб булади. Савол туғилиш табиий: нима қилиш керак? Стрессларга учрамасликнинг иложиси борми? Афсуски, стрессларга дучор бўлмасликнинг умуман иложиси йўқ. Бу атроф-муҳитга мослашиш механизмидир. Ундан ташқари, Стресс – организмнинг салбий омилларга қаршилигини нафақат пасайтириши, балки кучайтириш ҳам мумкин.

Дистресс – бу ҳаддан ташқари зўриқиши бўлиб, атроф-муҳит талабларига организмнинг адекват жавоб бериш имкониятларини пасайтиради. (инглиз тили фани уқитувчиларининг йиллаб IELTS,CEFR, TOEFL сертификатларига тайёрланиши ёки фан уқитувчиларининг аттестация имтихонларига тайёрланиши)

Эустресс – ижобий эмоциялар натижасида юзага келадиган стресс, организмни кувватлантирувчи кучсиз сресс.(масалан, кутилмагандага укувчингиз халкаро олимпиадада голиб булди васиз катта мукофот пули билан рагбатландингиз)

Психологияда, асосан, стресснинг физиологик ва психологик турлари тавсиф қилинади.

Психологик стресс эмоционал ва ахборот турларига бўлинади. Лекин Ю. В. Щербатых «психологик» ва «эмоционал» стресс алоҳида тушунчалар деб ҳисоблайди, яъни, эмоционал стресс ёрқин эмоционал реакциялар билан намоён бўлса(масалан уқитувчи ва укувчи,рахбар ва ходим,уқитувчи ва ота-оналар уртасидаги низоларни келтириш мумкин) психологик стресснинг ривожланишида когнитив - билиш таркиби устунлик қиласи (масалан бирон бир нохуш ходиса руй берганда вазиятни таҳлил килиш, узини ва атрофдагиларни баҳолаш, бўладиган ҳодисаларни тахмин қилиш ва ҳоказо). Шу билан бир вақтда иккала стресс тури бир хил ривожланиш схемасига эга (ҳавотирланиш-мослашиш-ҳолдан тойиш) - буни Г. Селье таърифлаган. Кўплаб изланишлар кўрсатишича, стресс ва эмоцияларнинг боғлиқлигини исботлаган замонавий рисолаларда, шунингдек, «психоэмоционал стресс» тушунчасини учратиш мумкин.

Ахборот стресси назариётининг автори В. А. Бодровнинг фикрича, ҳар қандай психологик стресс ахборот характерига эга, чунки қандайдир нокулай

ходисалар ҳақида ахборот беради. Замонавий ҳаёт темпи ташқи оламдан жуда кўп ахборот кириб келишини назарда тутади. Телекўрсатувлар, янгиликлар лентаси, интернет, касбий компетенциянинг доимий ўсиб бориши кераклиги – инсон доимий маълумотлар оқимида яшайди. Унга доимий равища келаётган ахборотни қайта ишлаш, вазифаларни ҳал қилиш, таҳлил қилиш зарур. Баъзан юклама шунчалик кучли бўладики, инсон маълумотларни қабул қила олмай қолади, ортиқча юкланишга жавобан реакция – ахборот стресси юзага келади.(укитувчиларда чорак, (яrim йилликда “когозбозлик”нинг купайиб кетиши) Стресснинг бу тури ҳам ҳам физиологик, ҳам эмоционал кўрсаткичларга эга.

Ахборотнинг ортиқчалигидан одам жисмоний меҳнат қилган билан баробар даражада чарчоқ сезади. Мутахассислар ахборт реакциясини икки турга ажратадилар:

- Бузғунчи янгиликлар натижасида олинган зўриқиши;
- Ахборотнинг ўта кўплиги билан боғлиқ стресс.

Тадқиқотчиларнинг хulosаларига кўра, негатив янгиликларни олти соат давомида кузатган шахсларда безовталиқ, хавотир ва қўрқув реакциялари кузатилади. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда фожеали воқеалар тўғрисида доимий эслатиб туришлик узоқ мудатли стрессларни келтириб чиқаради. ( масалан пандемия даврида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда коронавирус касаллиги ва унинг салбий оқибатлари хакида доимий ахборот бериб борилиши)

Ҳозирги замонда олимлар ижтимоий ва касбий стресс турларини ҳам ажратадилар. Ижтимоий стресс ҳаётий кризис вазиятлар билан боғлиқ, Уларнинг кўпчилиги ҳақиқатда қайғули – яқинларини йўқотиш, ижтимоий инқирозлар, оиласдан ва дўстлардан ажралиш ва ҳоказо. Замонавий тадқиқотчилар айнан ижтимоий стрессни энг хавфли, деб ҳисоблайдилар, чунки инсоннинг жисмоний, психик соғлиғига таҳдид солади.

Замонавий инсоннинг касбий фаолиятидаги кескин вазиятларнинг кўплиги касбий стресс деган тушунчани юзага келтирди. Касбий стрессларнинг оқибатлари ходимларнинг соғлиғи учун шу даражада негатив бўлиб чиқдики, стресснинг бу тури ҳозирги кунда Халқаро касалликлар классификациясига алоҳида бўлим сифатида киритилган.

Ҳар қандай стресс вазиятлари ўз интенсивлиги ва кечиши вақти каби характеристикаларга эга эканлигини ҳисобга олиб, стрессорларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин: кундалик микрострессорлар, макрострессорлар (инқирозли ҳаётий ходисалар) ва сурункали стрессорлар. Кундалик микрострессорлар (оиласда, ишда, қўшнилар билан жанжаллар, нарҳ-наволарнинг бир оз кўтарилиши ва ҳоказо) – бундай кичик қийинчиликлар билан биз ҳар куни учрашамиз. Улар биз учун ёқимсиз бўлсада, биз уларга бир неча дақиқа ёки бир неча соат давомида мослашамиз. Макрострессорлар биз учун кучлироқ стрессорлар бўлиб, бир ҳафтадан бир неча ойгача чўзилган

мослашув вақтини талаб қилади.(масалан укитувчилар уртасидаги дарс таксимоти) Сурункали стрессорларга доимий равища тақрорланувчи синовлар киради (масалан, ўзидаги ёки оила аъзоларидағи оғир касалликлар, ажрашишдан кейинги кечинмалар, маълум сабаб билан ногирон булиб колиш ёки касбидан айрилиш ва шу кабилар). Бундай стресс кўринишларига мослашув йиллаб давом этиши мумкин. Давомийлик ва кучлилик жиҳатидан солиширилганда айнан кучлилик қўпроқ заарли характерга эга.

Замонавий тадқиқотчиларнинг фикрича, стресснинг энг қийин ўрганиладиган соҳаси психологияк стрессdir. Айнан шу категориядаги стрессорларга биз қўп дуч келамиз. Психологияк стресс тадқиқотлари мураккаблиги айнан инсоннинг стрессга реакцияси турли-туман бўлиши мумкинлигидадир. Психологияк стресснинг ўзига хослиги шундаки, стресснинг бу тури нафақат реал, балки рўй бериши мумкин бўлган, хали юз бермаган воқеликлар асосида юзага келиши ва хавотирланиш ва қўрқувни чақириши мумкин. Масалан, авиаҳалокат ҳақида эшитилган янгилик самолётда учишдан аввал кучли эмоционал реакцияга олиб келиши мумкин. Ёки укитувчиларни текшириш учун мактабга келган "комиссия"дан ёш укитувчиларнинг вохимага тушиши кузатилиши мумкин.

Замонавий тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, қўпчилик стресслар доимий равища коммуникатив зичлашган, мураккаб муҳитда бўлиш билан боғлиқ экан. Д. Фонтана қўйидагиомиллар "одам-одам" касбиэгалари (укитувчи.шифокор, психолог, тарбиячи, менежер, сотувчи, сартарош, официант, ош раз ва ҳоказолар) да энг кучлиligини қайд қиладилар. Уларда қийин мижозлар ёки ходимлар; мижозлар ёки ходимларга эмоционал муносабат; касбий тайёргарлик ва компетентликнинг етарли эмаслиги касбий жавобгарлик; ёрдам беришга ёки самарали ҳаракат қилишга қодир эмаслик кабилар доимий равища кузатилади.

Барчага маълумки, педагог касби катта энергия талаб қиладиган касблардандир. Бу касбда ишлаш катта интеллектуал, ҳиссий ва ақлий сарфларни талаб қилади. Сўнгги йилларда ўқитувчиларнинг психик саломатлигини сақлаш муаммоси айниқса долзарб бўлиб қолди. Замонавий дунё ўз қоидаларини қўймоқда, ота-оналар томонидан педагог шахсига, унинг ўқув жараёнидаги ролига бўлган талаблари ортиб бормоқда. Раҳбариятнинг ҳам талаблари борган сари қўтарилиб бормоқда, ишга ижодий ёндашув ва янгиликлар киритиш, лойиҳавий фаолият, педагогик технологиялар ва ҳоказолар замон талаби бўлиб қолмоқда. Ўқув юкламасининг ортиб бориши билан бирга асаб-психик зўриқиши, қаттиқ толиқиши ҳам ўсиб бормоқда. Ҳаддан ташқари юкланишлар кўпгина қўрқувларни юзага келтирмоқда. Маҳоратли мутахассис бўла олмаслик қўрқуви, назорат олдидаги қўрқув, қўллаб-қувватланмаслик қўрқуви, ёлғизланиб қолиш қўрқуви ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Бундай вазиятлар педагогларни "эмоционал куюниш, эмоционал сўниш" деб номланган кучли чарчоққа олиб келади. Сурункали

чаркоқ кўплаб психосоматик қасалликлар негизи бўлиб хизмат қиласи ва бу қасалликларнинг пайдо бўлиши инсоннинг руҳий ҳолати билан бевосита боғлиқдир. “Эмоционал сўнган” педагоглар юқори ҳавотирланиш ва тажовузкорлиги билан, кескинлиги ва ўзига нисбатан қаттиқ танқидийлик билан ажралиб турадилар. Ушбу кўрсаткичлар ижодкорлик ва эркинликни, қасбий ўсишни, ўзини такомиллаштириш истагини сезиларли даражада чеклаб қўяди. Натижада педагог шахси тафаккурнинг қотиб қолиши, ҳаддан ташқари жizzакилик, мулоқотда ўргатувчилик тарзи, майдакашлик, ортиқча тушунтиришлар, фикрлашнинг қолиплилиги, авторитарлик каби бир қатор деформацияларга дуч келади.

Сир эмаски, ўқитувчи қасби бошқа кўпгина қасбларга қараганды қўпроқ қаттиқ стресс ҳолатига олиб келади, яъни бу стресс шундай юқори даражадаки, инсоннинг “кундалик” руҳий заҳирасидан анча ошиб кетади. Лекин Канадалик олим Ганс Сельенинг айтишича, стресс нафақат муаммо, балки яхшилик ҳамдир. Турли хил стрессларсиз бизнинг ҳаётимиз рангиз ва бемаъни бўлиб қоларди. Стресс – бу тренировка ва чиниқишининг энг муҳим ускунаси бўлиб, организмнинг қарши туришини, яъни психик иммунитетини оширади. Стресс нафақат оғир қайғунинг юзага келтириши, балки катта хурсандчиликка ҳам олиб келиши мумкин. Стресс инсонни ижодий чўққиларга етаклаши мумкин ва ўқитувчи қасби стресс ҳолатлари тез-тез юзага кедадиган қасблардан биридир. Шунинг учун биз педагоглар стрессни бошқариш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлмоғимиз керак.

Педагогларга иш пайтида фойдаланса бўладиган стресс билан курашишнинг қўйидаги табиий усусларини таклиф қиласиз:

□ Хар доим эрталаб иш бошлашингиздан олдин уз-узингизга сиз дунёдаги «энг кобилиятли», «энг зукко», «энг баҳтли» уқитувчи эканлигинизни тақорорлаб миянгизга сингдиринг;

□ Югуриш билан шуғулланинг шундагина сизда кон айланиши ва моддалар алмашинуви жадаллашади ва сиз хар кандай стрессдан осонгина чикиб кета оласиз;

□ Турли жисмоний ҳаракатлар: чўзилиш, керишиш кабиларни хар бир соатда 2-3 дакика тақорорлаш;

□ Кун тартибига риоя килинг, вактида ишлаб, вактида дам олинг. Айтишадику, яхши дам меҳнатга ҳамдам деб.

□ Овкатингиз таркиби 70-80%ни мева ва сабзавотлар ташкил килсин(айникса бир кунда 1 стакан апелсин ёки олма шарбати стресснинг олдини олади)

□ Танаффус пайтида ёки дарслар оралигига 1 стакан кофе, какао ёки иссик шоколад ичиб олинг(шунда миянгизгиз тукима ва хужайралари кувватланади ҳамда билиш жараёнлар тетиклашади)

□ Деразадан кўриниб турган манзарани 1-2 дакика кузатиш, ундан завкланиш;(бу сиздаги асаб ва руҳий толикишининг олдини олади)

☒ Хонадаги гулларни, қадрдон фотосуратларни томоша қилиш;(айникса жонли бурчак ёки аквариумдаги хайвонларни томоша қилиш самаралироқдир)

☒ Муваффақиятлар бурчаги ташкил килинг,ёки қундалик тутиб, ҳар қандай кичик ютуқларингизни унга ёзиб боринг, вақти-вақти билан эса уни варақлаб ўқиб туриңг;

☒ Атрофдагиларингизга нисбатан хаддан ташкари талабчан булманг(ута каттикул ва талабчан уқитувчилар хам вакти вакти билан укувчиларга нисбатан хушмуомалада булиши лозим)

☒ Кайфиятингизни ва ҳаётга бўлган қизиқишингизни оширувчи шахсий мусиқа ва кино-филмларингизни жамлаб қўйиб, керак бўлганда ўша заҳоти тинглаб, тамошо қилинг;

☒ Тоза ҳаводан тўйиб нафас олиш (дарсхона ёки синф хонаси доим тоза хаво билан туйиниб турсин ,чарчаган захотингиз тоза хавога чикинг);

☒ Хафтада бир кун узингиз ва оиласиз учун вакт ажратинг,зоро якинларингиз меҳридан баҳраманд булиш энг олий баҳтдир;

☒ Китоб мутолаа килингва уз устингизда муентазам ишланг.Олиб борилган тажрибаларга кура куп китоб укиган инсонлар хар қандай спрессдан осонгина чикиб кетишган);

☒ Кимгадир бошқаларга мақтов, ёкимли сузларни айтиш.(вакти вакти билан якинларингизга самимий ва ёкимли сузларингизни айтинг,чунки улардан хам шу кайтади)

☒ Кулгу, табассум;(хатто дарс пайтида хам лирик чекиниши килиб кайфиятни кутариш);

☒ Яхши ва ёқимли нарсалар ҳақида ўйлаш;(бу сизда моддалар алмашинуви яхшилашига хамда баҳт гормонларнинг жадал ишлаб чикишига ёрдам беради);

☒ Шукроналик хисси билан яшанг.Зоро устоз деган улуг қасб эгаси булиш ва унинг машаккатли меҳнати йулида шогирдларидан фахрланиб яшаш хар кимга хам насиб килавермайди.

Мазкур рўйхатни олиб, тез-тез кўзингиз тушадиги жойга илиб қўйиш ва уни ёдга олиб туриш тавсия этилади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:**

- 1.Тигранян Р.А «Стресс и его значение для организма».М.1998г.
- 2Шербаков Ю.В.»Психология стресса и методы его коррекции».Р.2006г.
- 3.Шербаков А.И.»Ёш психологияси ва педагогика психологиясидан практикум»Т.1991й
- 4Э.Гозиев.»Умумий психология»Т.2003й.
- 5.Гамезо М.В. Домашенко И.А.»Атлас по психологии»М.2002г.
- 6.Шчербатюк Ю.В.»Стресс психологияси ва тузатиш усуллари»П.2006й

Интернет сайтлари:

1. [www.ziyo.uz](http://www.ziyo.uz)

2. [www.psixolog.ru](http://www.psixolog.ru)